

## ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ЭКСПЕРТИЗА ВРАЧИ МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ



Инаков Алишер Казакович, Нажмитдинов Жамолиддин Юсуфович,  
Миралимов Мирмухиддин Миртурсунович, Абзалова Мавлюда Хайруллаевна  
Тиббиет ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

### АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПЕРЕПОДГОТОВКИ ВРАЧЕЙ-СПЕЦИАЛИСТОВ ПО МЕДИКО-СОЦИАЛЬНОЙ ЭКСПЕРТИЗЕ

Инаков Алишер Казакович, Нажмитдинов Жамолиддин Юсуфович,  
Миралимов Мирмухиддин Миртурсунович, Абзалова Мавлюда Хайруллаевна  
Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников,  
Республика Узбекистан, г. Ташкент

### CURRENT ISSUES OF RETRAINING OF MEDICAL AND SOCIAL EXPERTISE SPECIALISTS

Inakov Alisher Kazakovich, Najmitdinov Jamoliddin Yusufovich, Miralimov Mirmukhiddin Mirtursunovich, Abzalova Mavlyuda Khairullaevna  
Center for the Development of Professional Qualifications of Medical Workers,  
Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: [mirmuhiddin.701@gmail.com](mailto:mirmuhiddin.701@gmail.com)

**Резюме.** Мақолада Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий экспертиза (ТИЭ) тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар контекстидаги врач-мутахассисларни “Тиббий-ижтимоий экспертиза врачи” мутахассислиги бўйича ихтисослаштириши курсларини ташкил этишининг долзарб масалалари кўриб чиқилган. Таъдқиотда 216 соатли ўқув дастурининг тузилиши, модуллар кесимидағи мазмуни, назарий ва амалий машгулотлар ўртасидаги мутаносиблиги таҳлил қилинди. Мавжуд норматив-хукуқий база, ЖССТ тавсиялари ва республикадаги демографик аҳвол таҳлили асосида мутахассисларни тайёрлашда янги ёндашувларга асосланган. Мутахассисларни тайёрлаш жараённада клиник билимлар билан бирга, ижтимоий хизматлар, функционал баҳолаш ва реабилитация йўналишиларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хуоса қилганда, ушбу курслар тиббий-ижтимоий экспертиза соҳасида етарли билим ва кўнкиммага эга бўлган, замонавий талабларга мос мутахассислар заҳирасини шакллантиришига хизмат қиласди.

**Калим сўзлар:** тиббий-ижтимоий экспертиза, мутахассис тайёрлаш, ногиронлик, реабилитация, ихтисослаштириши курси, ижтимоий тиббиёт, функционал баҳолаш, ТИЭК, кадрлар сиёсати.

**Abstract.** The article considers the current issues of organizing specialization courses for medical specialists in the specialty "Medical and Social Expertise Doctor" in the context of the reforms being carried out in the system of medical and social expertise (MSE) in the Republic of Uzbekistan. The study analyzed the structure of the 216-hour training program, its content in terms of modules, and the balance between theoretical and practical training. It is based on new approaches to training specialists based on the existing regulatory framework, WHO recommendations, and an analysis of the demographic situation in the republic. In the process of training specialists, along with clinical knowledge, special attention is paid to the areas of social services, functional assessment, and rehabilitation. In conclusion, these courses serve to form a reserve of specialists with sufficient knowledge and skills in the field of medical and social expertise who meet modern requirements.

**Key words:** medical and social expertise, specialist training, disability, rehabilitation, specialization course, social medicine, functional assessment, MSEC, personnel policy.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасида ногиронликни белгилаш ва тиббий-ижтимоий экспертиза (ТИЭ) тизимини замонавий талабларга мос равишда ислоҳ қилиш йўналишида кенг

кўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2021 йилда тасдиқланган ХАЛИКК-2020 давлат стандартига мувофиқ, унинг врачлар бўлимида “Мехнат-врачлик экспертизаси врачи” мутахассислиги

қайд этилган. Бирок, тиббий-мехнат комиссиялари (ТИЭК) фаолиятининг қайта ташкил этилиши муносабати билан мазкур мутахассислик номини “Тиббий-ижтимоий экспертиза врачи” деб ўзгартериш зарурати пайдо бўлди.

Шу билан бирга, ТИЭ тизимидағи кадрлар танқислиги, мутахассисларни тайёрлашга бўлган эҳтиёж, ҳамда ногиронликни белгилашда ижтимоий моделга ўтиш жараёни соҳага замонавий, илмий асосланган билим ва кўникмаларга эга врачларни тайёрлашни талаб этмоқда. Бу эса Тиббий ходимларнинг касбий малакасини ривожлантириш маркази хузурида ташкил этилган “Ижтимоий тиббиёт” кафедрасининг асосий вазифаларидан бирига айланди.

**Мақсад.** Мазкур мақоланинг мақсади врач-мутахассисларни “Тиббий-ижтимоий экспертиза врачи” мутахассислиги бўйича ихтисослаштириш курслари асосида қайта тайёрлаш бўйича ўкув-услубий ва амалий ечимларни таҳлил қилиш, мавжуд ўкув дастурининг тузилиши, мазмуни ва самарадорлигини баҳолаш ҳамда уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишига қаратилган.

**Материаллар ва усуллар.** Ушбу тадқиқотда 216 соатли (1,5 ой) ихтисослаштириш курсининг тузилиши, модуллар кесимидағи мазмуни, ўкув жараёнининг ташкилий ечимлари таҳлил қилинди. Ўкув циклида назарий, услубий ва амалий машғулотларни қамраб олган 14 модул кўриб чиқилди. Ўкув жараёнининг дастлабки 15 куни Тошкент шаҳрида, кейинги 15 куни жойлардаги амалиёт майдонларида (ТИЭК, ОП) ва якуний 15 кунлик яна Тошкентда (марказда) ўқитилишидан иборат бўлган формат афзалларни баҳоланди.

Методологик асос сифатида норматив-хуқуқий ҳужжатлар, Соглиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ижтимоий химоя миллый агентлигикўрсатмалари, Жаҳон соглиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари, ҳамда республикадаги демографик ва эпидемиологик ҳолатларга оид статистик маълумотлардан фойдаланилди.

**Муҳокама.** Жаҳон амалиёти таҳлили ногиронлик масаласининг нафақат тиббий, балки ижтимоий аҳамияти юкори муаммо эканлигини кўрсатмоқда. Жаҳон Соглиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича 1 миллиардга яқин кекса ва қариялар, шунингдек, 1,2 миллиардга яқин (яъни умумий аҳолининг 16%) турли даражада ногиронлиги бўлган шахслар истиқомат қилмоқда. Ўзбекистон Республикасида эса, 2019–2024 йиллар давомида ногиронлик ҳолатлари кўрсаткичи барқарор ўсиш тенденциясини намоён этган бўлиб, хозирда

ногиронлиги бўлган фукаролар сони 1 миллиондан ошган.

Сўнгги йилларда аҳоли ўртасида сурункали касалликлар — жумладан, қандли диабет, инсульт, саратон каби хасталиклар, шунингдек, жароҳатлар (куйиш ва бошқалар) ва болаларда ривожланиш нуқсонлари тез-тез учраб турибди. Бундай ҳолатлар инсоннинг функционал имкониятларини сезиларли чеклайди, меҳнат фаолияти ва кундалик турмушда иштирокини камайтиради ва натижада ногиронлик юзага келишига ёки унинг оғирлашишига олиб келади.

Ногиронликни нафақат тиббиёт нуктаи назардан, балки уни ижтимоий муаммо сифатида қабул қилиш, ногиронлиги бўлган шахсларни жамиятга тўлиқ интеграциялашни таъминлаш — ногиронликни баҳолашда умумэътироф этилган ижтимоий моделга ўтишнинг асосий тамойилидир. Ногиронлик бу фақат шахснинг саломатлигига эмас, балки жамиятдаги инфратузилма, ижтимоий муҳит ва хуқуқий имкониятларга боғлиқ бўлган мураккаб ижтимоий ҳолатдир. Шунинг учун ҳам ижтимоий модел ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенг хуқуқли ва тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлашга йўналтирилган ёндашув хисобланади.

Сўнгги йилларда тиббий-ижтимоий экспертиза (ТИЭ) тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида педиатрик, фтизиатрик, психиатрик ва офтальмологик йўналишларидағи ихтисослашган ТИЭ комиссиялари (ТИЭК) фаолияти тутатилди. Ушбу ўзгаришлар натижасида туман (туманлараро) ТИЭКлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бosh ТИЭКлар (хозирда ТИЭ агентлигининг худудий бошқармаларининг бўлимлари сифатида фаолият юритмоқда)нинг кадрлар салоҳияти мазкур йўналишларда фаолият юритган врач-мутахассислар хисобидан мустаҳкамланди.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ногиронлик даражасини баҳолаш жараёнида фукаро организмидаги бузилишлар, турмуш фаолиятидаги чекланишлар ва ижтимоий етишмовчилик тўғрисидаги маълумотлар икки йўналишда мустақил равишда йигилади:

фукароларнинг функционал ҳолати маҳсус компьютер дастури асосида баҳоланди (ушбу дастур Жаҳон Соглиқни сақлаш Ташкилоти тавсиясига мувофиқ ишлаб чиқилган) ва бу жараён учун “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази масъул хисобланади;

туман (туманлараро) ТИЭКлар тиббий ҳужжатларни таҳлил қилиб, организмдаги бузилишлар, ҳаракатлар чекланиши ва Ижтимоий етишмовчиликнинг Халқаро номенклатураси (МКН), ҳамда амалдаги меъёрий

хужжатларасосида ногиронлик гурухини белгилайди ва бирламчи хулоса бериш билан шуғулланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош ТИЭКлари (Агентлик худудий бошқармаларининг махсус бўлимлари) фуқаро функционаллигининг баҳоси ва туман (туманлараро) ТИЭКлари хулосаларини танқидий таққослаш орқали ногиронлик гурухини белгилаш бўйича якуний қарор қабул қиласди.

Республикада ногиронликни ижтимоий модел асосида баҳолашга босқичма-босқич ўтиш жараёнида хуқуқий асосларни такомиллаштириш мақсадида бир қатор норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилинган. Ушбу хужжатлар мутахассис шифокорлар учун ишлаб чиқилган ўқув дастурида муҳим ўрин эгаллаган. 2025 йилдан бошлаб ногиронликни баҳолашнинг янгиланган механизми асосида ишлаш учун зарур бўлган касбий тайёргарликни таъминлаш вазифаси “Тиббий-ижтимоий экспертиза врачи” мутахассислиги бўйича қайта тайёрланган врачларга юқлатилмоқда.

ТИЭ тизимида ҳозирги кунда врач-экспертлар лавозимларида кадрлар танқислиги мавжудлиги муносабати билан Агентлик томонидан соҳага тегишли мутахассислар (терапевтлар, невропатологлар, хирурглар ва бошқалар)ни ТИЭ врачлигига қайта тайёрлаш учун Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш марказига буюртмалар тақдим этиш юзасидан расмий мурожаат қилинди.

Шу боис, “Тиббий-ижтимоий экспертиза врачи” мутахассислигига ихтисослаштириш курслари доирасида тингловчиларга ногиронликка олиб келувчи асосий касалликлар, тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитация, шунингдек ногиронликни баҳолашнинг замонавий ёндашувлари ва услублари бўйича назарий ва амалий билимлар берилиши назарда тутилган. Ушбк мақсадлар ўқув дастурининг 14 та модулида ўз аксини топган.

ТИЭ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар мутахассис кадрларнинг тайёргарлиги, соҳавий билими ва мултидисциплинар ёндашувини талаб этмоқда. Мавжуд ўқув дастурида ногиронликка олиб келувчи асосий патологиялар, уларнинг экспертизаси ва реабилитацияси, ногиронликни белгилашда янги механизм ва стандартлар алоҳида ўрин олган.

Курс доирасидаги ҳар бир модулда курсантларга:

конунчилик асослари;  
клиник ва функционал баҳолаш кўнималари;  
ТИЭК фаолиятида хужжатлар билан ишлаш;

ижтимоий хизматлар тизимидағи ролини тушуниш;

ногиронликка олиб келувчи асосий касалликларда тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитация бўйича назарий билим ва кўнималарини ривожлантириш

мултидисциплинар ечимлар ишлаб чиқиш каби кўнималар берилади.

Шу билан бирга, амалий машғулотларда расмийлаштирилган тиббий хужжатлар асосида ногиронликка номзодлар холатини атрофлича таҳлил қилиш орқали курсантларнинг реал тажрибаси шакллантирилади.

#### **Хулоса:**

1. Тиббий-ижтимоий экспертиза врачи мутахассисларини тайёрлашга қаратилган ихтисослаштириш курслари ногиронлик экспертизаси ва реабилитация соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар захирасини шакллантиришда муҳим омил хисобланади.

2. Мазкур ўқув циклини самарали ташкил этиш орқали врачлар ногиронликни белгилашнинг янги механизмларини ўзлаштиради, реал амалиётга яқинлашади ва малакали мутахассис сифатида ТИЭКларда фаолият юритишга тайёр бўлади.

3. Дастурнинг модулларга асосланган тузилиши, амалий машғулотларга алоҳида эътибор қаратилиши, ҳар бир модул якунида назорат шаклларининг жорий этилиши курснинг сифатини таъминлайди.

#### **Адабиётлар:**

1. Василенко Н.Ю. Основы социальной медицины. Владивосток: Издательство Дальневосточного университета. 2004.
2. Дементьева Н.Ф., Устинова Э.В. Формы и методы медико-социальной реабилитации нетрудоспособных граждан. М., 1991.
3. Классификация и временные критерии, используемые при осуществлении медико-социальной экспертизы: Утверждены постановлением Минтруда России и Минздрава России от 29 января 1997 г. № 1/30.
4. Комплексная реабилитация инвалидов: учеб. пособие / под ред. Т.В. Зозули. – М.:Академия, 2005. – 210 с.
5. Кунцевич, Е. А. Социальная медицина : метод. рекомендации / Е. А. Кунцевич ; М-во образования РБ, Учреждение образования "Витебский государственный университет имени П. М. Машерова", Каф. анатомии и физиологии. – Витебск : ВГУ имени П. М. Машерова, 2014. – 48 с.
6. Магомедова С.А., Мусаева С.Д. Курс лекций по дисциплине «Основы социальной медицины». Махачкала 2019 г.

7. Максимова Т.М. Социальный градиент в формировании здоровья населения. – М.: ПЕР СЭ, 2005. – 240 с.
8. Мартыненко А.В. Медико-социальная работа: теория, технологии, образование. – М.: Наука, 1999. – 240 с.
9. Медведева Г.П. Этика социальной работы: Учебное пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Гуманит. издат.центр ВЛАДОС, 2002. – 208 с.
- 10.Медицина и социальная работа: Методологический семинар / Отв. ред. и сост. А.В.Мартыненко. – М.: Инст. социальной работы, 1998. – 105 с.
- 11.Ногиронликкаолибкелувчиасосийкасалликларт иббий-ижтимоийэкспертизасивареабилитациясидаАгент ликтомониданишлабчиқилганваСоғлиқнисақлашв азирлиги билан келишувданұтказилганСтандартлар, 2024 ыйыл.
- 12.НазароваЕ.Н., ЖиловЮ.Д.. Основы социальной медицины, 3- е издание, исправленное. Издательское агентство Академия, М., 2012, 368 с.
- 13.Социальная медицина: учебник / под.ред. А.В. Мартыненко. – М.: Юрайт, 2013.
- 14.Тен Е.Е. Основы социальной медицины, учебник, Издательское агентство Академия, М., 2009, 272 с.
- 15.Теория социальной работы: учебник для академического бакалавра/ Е.И. Холостова [и др.]; под ред. Е.И. Холостовой, Л.И. Кононова, М., Е.И. Холостовой., М.В. Вдовиной. - 3-е изд. ,перераб. и доп. - М.: Издательство Юрайт, 2017. – 288 с.

## **АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПЕРЕПОДГОТОВКИ ВРАЧЕЙ-СПЕЦИАЛИСТОВ ПО МЕДИКО- СОЦИАЛЬНОЙ ЭКСПЕРТИЗЕ**

*Инаков А.К., Нажмитдинов Ж.Ю., Мирамилов М.М.,  
Абзалаева М.Х.*

**Резюме.** В статье представлены сведения об организации курсов переподготовки врачей экспертов в контексте реализуемых цеенаправленных работ по реформированию системы медико-социальной экспертизы (МСЭ). В исследовании проанализированы структура 216 часового специализированного учебного курса переподготовки врачей экспертов медико-социальной экспертизы, их содержание в разрезе модулей, соответствие теоретических и практических занятий другим актуальным вопросам. В результате этого, процесс организации переподготовки кадров основывается на новых методических подходах, базирующих на действующей нормативно-правовой базе, рекомендациях Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) и анализе демографических показателей населения в республике. Параллельно с освоением клинических знаний, при обучении курсантов особое внимание обращено на такие вопросы как социальное обслуживание, функциональная оценка состояния пациента и его реабилитация. В заключении нужно отметить, что данный учебный курс будет служить подготовке теоретически и практически подготовленного кадрового специалистов, отвечающих современным требованиям.

**Ключевые слова:** медико-социальная экспертиза, подготовка кадров, инвалидность, реабилитация, специализированный курс, социальная медицина, оценка функционирования, МСЭК, политика подготовки кадров.